



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>



LITERARY LIFE DURING THE PERIOD OF THE TANZIMOT AND KHANS

Oisha Shukurova

Doctoral student, TSUOS

orient_vostochka@mail.ru

Abstract: The article analyses in a comparative aspect the historical conditions of the literary environment of the Tanzimat period and Turkestan khanates, considered important in the history of the brotherly peoples, the peculiarities and common aspects of social and everyday life. The emergence of new genres in literature, the spread of new concepts such as newspaper, theatre; changes in poetry and prose are also considered. The factors that triggered the emergence of news, particularly the results of Westernisation policies and the Jadid movement, the stylistic approaches of the creators are discussed, and similar and different aspects of the literary milieu in both regions are highlighted from a period perspective.

Key words: Tanzimat, khanates, westernisation policy, Jadid movement, novel, poetry, theatre, newspaper.

ТАНЗИМОТ ВА ХОНЛИКЛАР ДАВРИДА АДАБИЙ ҲАЁТ

Шукурова Ойша Зафар қизи,

ТДШУ таянч докторанти

orient_vostochka@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада қардош халқлар тарихида муҳим саналган Танзимот даври ва Туркистон хонликлари давридаги адабий муҳитларнинг тарихий шароити, ижтимоий-маиший ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари ва муштарак томонлари қиёсий ракурсда таҳлил қилинади. Адабиётда янги жанрларнинг пайдо бўлиши, газета, театр каби янги тушунчаларнинг тарқалиши; шунингдек, шеърият ва насрда бўлган ўзгаришлар кўриб чиқилади. Янгиликларга сабаб бўлган омиллар, хусусан, ғарблашув сиёсати ва жаҳид ҳаракатининг натижалари, ижодкорларнинг услубий ёндашувлари ҳақида фикр юритилиб, иккала ҳудуддаги адабий муҳитларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари давр нуқтаи назаридан ёритилади.

Калит сўзлар: *Танзимот, хонликлар, ғарблашув сиёсати, жаҳид ҳаракати, роман, шеърият, театр, газета.*

Аннотация: В статье в сравнительном аспекте анализируются исторические условия литературной среды Танзимотского периода и Туркестанских ханств, считающихся важными в истории братских народов, особенности и общие стороны общественной и бытовой жизни. Рассматриваются также появление новых жанров в литературе, распространение новых понятий, таких как газета, театр; изменения в поэзии и прозе. Обсуждаются факторы, вызвавшие появление новостей, в частности, результаты политики вестернизации и джадидского движения, стилистические подходы создателей, а также выделяются сходные и разные аспекты литературной среды в обоих регионах с точки зрения периода.

Ключевые слова: Танзимат, ханства, политика вестернизации, движение джадидов, роман, поэзия, театр, газета.

Кириш. Ҳар бир миллат адабиётида янги бир жанрнинг туғилиши маълум бир сабаб, тарихий вазият, эҳтиёж ва заруратнинг пайдо бўлиши билан

боғлиқ бўлган. Девои адабиётидан кейин Туркияда ҳам, Туркистонда ҳам янги адабий даврлар бошланди. Бу даврлар Туркияда Танзимот даври, Туркистонда эса хонликлар даври деган номлар билан тарихда қолган. Бу даврларда ижодкорлар турк ва ўзбек насрининг инжа дурдоналари, ўз замонасининг беназир намуналарини яратдилар, адабиёт дунёсида инқилобий бурилишларга сабаб бўлдилар. Бирилари турк тилдаги, бошқалари ўзбек тилидаги бадиий адабиёт нуфузини юксак даражага кўтардилар. Бугунги кунда икки мамлакат бадиий адабиётининг насрий намуналари шу даврларда асос солинган мактабнинг мантиқий давомчилари саналади.

Асосий қисм. Турк адабиётида янги жанрларнинг туғилиши XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келса-да, бунинг асосий сабаби бироз аввалроқ, XIX асрнинг ўрталарида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ. XVIII асрга келиб Усмонли империясининг таназули яққол кўзга ташланиб қолди. Кетма-кет мағлубиятлар, ўлканинг кенг ҳудудида кузатилаётган кўзғолонлар маъмуриятни шошириб қўйди. Султон Салим III даврида илк маротаба ғарб усулидаги “Низоми жаид” армиясини тузилади. Қўшинда амалга оширилган бундай ислохот натижасида империя ўз йўналишини ҳар томонлама ғарбга томон буришга мажбур бўлди. “Гулхона хатти Хумоюнӣ”нинг кучга кириши билан ҳар жабҳада янгиланиш ҳаракатлари бошланди. Мактаб таълимида турк тилига қайтиш, журналистик фаолиятнинг бошланиши, кучаяётган миллатчилик натижасида адабиётда ҳам янги давр бошланди. Янги адабий муҳит ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга параллел равишда вужудга келган бўлса, маданий ўзгаришлар таъсирида тараққий этди. Ижтимоий ва сиёсий мавзулар билан бир қаторда кундалик ҳаётда учрайдиган воқеалар ҳам адабий муҳокама мавзусига айланди.

Жаид ҳаракати Туркистонда XIX аср охирларидаёқ шакллана бошлаган, XX аср бошларида тўла намоён бўлган. Октябрь воқеаларидан кейин ҳам 20-йилларнинг ўрталарига қадар қизғин давом этган. Октябрь тўнтарилишидан кейинги дастлабки кунларданок Мунаввар қори

Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Сидкий Ажзий, Сидкий Хондайликий, Тавалло ва бошқа кўплаб атоқли жадидлар Октябрь инқилобига қандай муносабатда эканликларидан қатъи назар маданият ва маориф соҳасидаги самарали фаолиятларини давом эттирганлар. Албатта, маърифатпарварларнинг турли жабҳалардаги фаолияти большевиклар томонидан илиқ қаршиланмаган, аксинча, улар жадидларнинг ҳар бир қадамини таъкиб остига олишган, маориф ишларини қаттиқ назорат қилишган. Аммо бундай таъкиб ва тазйиқлар жадидларни фаолиятдан тўхтата олмайди — улар матонат билан ишларини давом эттириб, 20-йиллардаёқ маориф ва маданият соҳасида анча салмоқли ютуқларга эришадилар. Ўринли равишда жадид адабиёти ҳақида сўз борганда, унинг кўзга яққол ташланадиган биринчи хусусияти шундаки, у инқилобдан кейин бирданга кўп жанрли адабиёт тарзида ривожлана бошлади — жадид ёзувчилари шеъриятида ҳам, драматургияда ҳам, насрда ҳам, публицистикада ҳам бирдай муваффақият билан қалам тебратди. янги ўзбек адабиётимизнинг энг сара намуналари майдонга келган 20-йилларнинг биринчи ярми жадидчиликнинг сўнгги босқичи. Жадидчилик маънавий-маданий соҳаларни янги изга солгани сингари адабиётда ҳам уч буюк бонийни ўртага чиқарди. Чўлпон янги ўзбек шеъри биносига асос солди. Фитрат янги адабий-бадий тафаккурни бошлаб берди, чинакам драматургия намуналарини яратди. Қодирий ўзбек романчилигининг отаси бўлиб тарихга кирди.

Шеърят Танзимот даврига келиб янги бадий-эстетик хусусиятлар касб этди ва мазмуний-шаклий ўзгаришларга учрайди. Номик Камол “Лисон-и Усманий адабиёти ҳақида баъзи мулоҳазалар”¹ номли мақоласида шеърятнинг халқ дунёқараши ва билимига катта таъсир кўрсатиши борасида сўз юритади. Девон адабиётининг ҳақиқатдан узоқлиги, сохта ва бўм-бўш санъат эканлигини қаттиқ танқид остига олади ва адабиётнинг янгидан

¹ Камол Н. Лисон-и Усманий адабиёти ҳақида баъзи мулоҳазалар / Тасвири афкор -1866 - № 4 (9). Б. 8-9.

тизимга солиниши фикрини ўртага ташлайди. Бунинг учун эса, аввало, янги ифода услублари, умуман, янги тил кераклигини билдиради. Номик Камол шеърият тилини имкон қадар сўзлашув тилига яқинлаштириш ҳақида ёзган бўлса-да, Танзимот даври шеърият тилини содда бўлган, деб айтиш мушкул. Бу давр шеъриятида девон адабиётининг шеърий қолипларидан (аруз вазни) айнан фойдаланилган, бармоқ вазни кам ишлатилган. Шеърларнинг мавзусида эса туб бурилишни кўриш мумкин: муҳаббат, соғинч, айрилиқ сингари шахсий масалалар четга сурилиб, тенглик, адолат, ҳуқуқ, маданият каби ижтимоий масалалар шеъриятнинг асосий мавзусига айланади. Аммо бу ҳолат биринчи давр ижодкорлари бўлган Шиносий, Зиё Пошо, Номик Камол каби шоирлар ижодида кузатилади. Иккинчи давр танзимотчилари саналувчи Ражоизода Маҳмуд Акрам, Абдулҳақ Ҳомид, Сами Пошозода Сазоий шеърларида шахсий мавзулар яна қайтадан қаламга олинади. Умуман олиб қаралганда, Танзимот даври шеъриятида романтизм оқимининг таъсири кучли эканини кўриш мумкин.

Туркистон жадидлари шеъриятида ҳам бадиий шакл соҳасида ҳам жиддий изланишлар кузатилган. Унда анъанавий шакллар — рубоий, ғазал, мурабба, мухаммаслардан кенг фойдаланилган бўлса-да, улар билан бир қаторда бармоқ вазнидаги жанрларга ҳам кенг мурожаат қилинган. Шу билан бирга, айрим шоирлар аруз вазнининг имкониятларини кенгайтириш йўллари ҳам излаганлар. Бунда улар шеърга ярим мутойиба оҳанглари ҳам олиб кирганлар. Бу ўринда шоир Таваллонинг бир тажрибаси диққатни жалб қилади. Тавалло — инқилобдан аввал маданий-маиший ҳаётни тубдан янгилаш тарафдори сифатида кўринган ва “Равнақ ул-ислом” каби бақувват шеърий тўпламларнинг муаллифи тарзида танилган эди. Инқилобдан кейин у янги матбуот органларида хизмат қилди, лекин ижодининг моҳиятига кўра жадидлик мавқеини сақлаб қолди. У кўпроқ ҳажвий характердаги шеърлар битди, айрим шеърларида эса жуда зўр муваффақият билан янги тасвирий имкониятлар излади. Масалан, классик адабиётда *ширу шакар* деган жанр мавжуд. Бунда шеър бир вақтнинг ўзида икки тилда — кўпинча форсча ва

Ўзбекча ёзилади. Тавалло Ҳамза тажрибасини давом эттириб ғазални ўзбек ва рус тилида ёзади. Албатта, бундай шеърлар адабиёт ривожининг катта йўлига унча дахлдор бўлмаса-да, адабиёт ранглари турфа хил қилиши, жилоларини кўпайтириши, жозибасини ошириши билан характерлидир. Яна бир муҳим жихати шундаки, Шўро замонида баъзи бир адабиётшунослар бундай шеърларни совет поэзиясининг намунаси сифатида талқин қилиб келганлар. Бироқ уларнинг мазмунига қарайдиган бўлсак, уларда шўровий белгилар эмас, жадидлар қарашларига яқин масалалар, яъни жаҳолат ва нодонликни рад этиш, асрий уйқудан уйғониб, “бошқа даврон, бошқа замон”² да жавлон уришга чакирик мавжуд.

Жадид поэзиясининг 20-йиллардаги равнақи, албатта, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон номи билан боғлиқдир. 20-йилларда у "Уйғониш", "Булоқлар", "Тонг сирлари" деган китобларини эълон қилди. Унинг кўпгина шеърлари "Ўзбек ёш шоирлари" тўпламида, "Адабий парчалар", "Гўзал ёзғичлар" каби китобларда чоп этилди ва улар ўзбек шеърятининг гултожи бўлиб қолди. Лекин бу шеърлар совет руҳидан мутлақо узоқ эди, аксинча, улар жуда ошқора тарзда аксилшўравий оҳанглар билан суғорилган шеърлар эди. Умуман олганда, мазкур давр жадид шеърятининг бош масаласи — инсон эрки, миллатнинг озодлиги масаласидир.

Танзимотгача бўлган даврда турк адабиётида ғарбдаги сингари сахна театри мавжуд бўлмаган. Халқ орасида “Қорақўз ва Ҳоживот”, “Ўрта ўйини”, “Маддох” каби томоша ўйинлари кенг тарқалган. Мазкур томошалар муайян бир матнга эмас, ижрочиларнинг ўзаро диалогларига асосланган. Халқ ўйинлари сатирик характерга эга бўлган, жамиятдаги нуқсонларни кулгига олиб намоёиш этган. Танзимот даврига келиб эса *театр* чинакам мактаб тусини олди - энди у шунчаки одамларнинг кўнглини хушлабгина қолмай, халқ таълимининг муҳим воситасига айланди. Танзимот театрига ҳам Ғарбнинг таъсири кучли бўлди. Санъаткорлар асосан Шекспир, Ҳюго ва

² Турон марши. С.Айний. Меҳнаткашлар товуши газетаси, 1919 йил 1 октябрь сони.

Мольер асарларини турк дунёқарашига мослаштириб ижро этишган. Ижтимоий дидактика давр театрининг муҳим белгиси саналади - жамиятдаги нуқсонларни бевосита олиб чиқиб ёки тарихдаги ибратли воқеаларни ёритиш орқали улардан ахлоқий хулосалар чиқариш театрнинг асл мақсади эди. Танзимот даврининг дастлабки театр асари Иброҳим Шиносийнинг “Шоирнинг уйланиши” (1872) номли бир пардали комедияси ҳисобланади. Асарда муаллиф совчилик орқали турмуш қуришни қоралайди. Саҳналаштирилган биринчи асар эса Номик Камол қаламига мансуб “Ватан ёхуд Силистра” (1873) бўлди. Асарда Ватанга муҳаббат мадҳ этилган бўлиб, у халққа кучли таъсир кўрсатган ижод намуналаридан бири ҳисобланади. Мазкур даврнинг кўзга кўринган театр ёзувчиларидан Директор Али Бейнинг “Кокона ётяпти” (1870) ҳамда “Мусофир-и истиқлол” (1872), “Вайсақи сартарош” (1873) номли бир ва икки пардали спектакллари машҳур.

Туркистонда жаид театрлари XIX-XX асрларда Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган, бу театрлар ўзбек миллий театрларининг кўп жиҳатидан юксалишида катта аҳамиятга эга. 1911-йил Туркистон ҳудудида илк драма асарлар саҳналаштирилган. Мисол қилиб олганда Беҳбудийнинг “Падаркуш” спектакли, “Маҳрамлар” номи билан машҳур бўлган А.Самадовнинг спектакллари эътиборга лойиқ асарлар сифатида олиш мумкин. Булар ичида “Падаркуш” спектаклини яққол ажратиб олса бўлади, чунки ўша даврда унинг ғоявий аҳамияти жуда катта бўлган. Самарқанд шаҳрида биринчилардан бўлиб янги ўзбек жаид театри иш бошлади, унинг очилишида ва қурилишида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизматлари жуда катта бўлган. Бу театрда биринчилардан бўлиб унинг машҳур “Падаркуш” пьесаси намойиш этилган. Жаидчилар ҳаракатида яна кўплаб атоқли намоёндалар ва маърифатпарварлар бу каби жаид театрларини вужудга келишида жуда катта хизмат қилганлар. Мисол қилиб олганда Абдулла Авлоний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг хизматлари беқиёс бўлган. Тошкент шаҳрида биринчи жаид театри 1914-йилда ўз ишини бошлаган. Бу театрнинг очилишида Абдулла Авлоний меҳнатлари алоҳида ўрин тутади. У мазкур театрни “Турон

театри” деб номлаган. Бу театрда ҳам биринчи спектакл “Падаркуш” пьесаси ҳисобланади. Шу жумладан Турон театри Туркистон бўйлаб ўзларининг гастрол сафарларини ўтказган.

Жадидчиларнинг яна бир йирик намоёндаси ҳисобланган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг ҳаваскорлар театрини 1916-йилда Қўқон шаҳрида тузади. Ўзбек театрини юксалишида катта аҳамиятга эга бўлган Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” пьесаси бўлган. Бу театрда ушбу асар илк бор 1917-йилда сахналаштирилган.

20-йилларда жадид драматургияси ҳам жуда самарали тарзда дадил қадамлар билан ривожланди. Янги пайдо бўлган ўнлаб драматик асарлар миллий театрнинг мислсиз ривожини вужудга келтирди ва бу икки ҳолат бирлашиб, 20-йиллардаги маънавий ҳаётнинг узвий қисмига айланди.

20-йилларда жадид драматургиясининг энг фаол, энг атоқли намоёндалари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ва Ҳамза Ҳакимзодалар бўлган эди. Абдурауф Фитрат қисқа муддат ичида "Темур сағанаси", "Абулфайзхон", "Чин севиш", "Ҳинд ихтилочилари", "Арслон", "Зоҳоки морон" каби фожиа ва драмалар яратди. Буларнинг ҳаммаси ўша йилларда ўзбек сахнасида муваффақият билан қўйилди. Табиийки, бу асарлар ҳам Фитратнинг публицистикаси каби, биринчи навбатда, аксил мустамлакачилик руҳи билан суғорилган эди.

Танзимот даври ижодкорлари *газетани* халқ билан мулоқот ва огоҳликка чорлаш сифатида кўрганлар. Турк адабиётига Танзимот билан кириб келган газетада зиёлилар ва ижодкорлар мақолаларини чоп этишган, шунингдек, ҳикоя, роман, театр каби жанрлар тараққиётида газетанинг таъсири катта бўлган. Даврнинг йирик намоёндаси Али Суавий газета ҳақида шундай фикр билдиради: “Газетанинг қандай яхши мактаб эканини, уни ўқиганларнинг қандай уйғонаётганини кўряпсизми?”³

³ <http://www.edebiyatogretmeni.org/tanzimat-donemi-edebiyatinda-ilk-gazeteler/>

Гарчи 1831 йилда “Тақвим-и вақои”, 1840 илда эса “Жаридаи ҳаводис” номли расмий газеталар нашр этилган бўлса-да, уларга халқ қизиқиш билдирмайди. Шиносий ва Огоҳ афанди бошчилигида “Таржимон-и аҳвол” газетаси нашри (1860) билан бирга роман, ҳикоя, театр, мақола каби турларнинг шаклланиши ҳам мана шу даврга тўғри келади. Дастлабки хусусий газета нашр этила бошлангач, ёзувчилар аввал Ғарб адабиётига тақлидан, кейинроқ эса мустақил тарзда турли жанрларни машқ қилиб, газеталарда чоп этиришга ва асарларини халққа етказишга ҳаракат қила бошладилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, адабиётда янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва тан олиниш жараёнида газеталарнинг ўрни мислсиздир. “Таржимон-и аҳвол” том маънода Танзимот адабиётининг бошланғич нуқтаси эди. Газеталар кейинчалик, 1862 йилда “Тасвири афкор”, 1870 йилда “Ибрат”, 1878 йилда “Таржимон-и ҳақиқат” кабиларнинг чоп этилиши билан жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айлана боради.

“Хуррият” газетаси илк бор 1868 йилда Янги усмонлилар уюшмасининг газетаси сифатида Номик Камол томонидан Лондонда чоп этилган. Бироқ 1870 йилга бориб газетанинг 88 сони нашрдан чиққач, турли босимлар сабабли ўз фаолиятини тўхтатган. “Хуррият” газетаси кунлик нашр бўлиб, узоқ йиллик танаффусдан сўнг 1948 йил 1 майда Седат Симавий томонидан ташкил этилган.

Айтиш керакки, Туркистонда вақтли матбуот миллий уйғониш адабиётига нисбатан эртароқ иш бошлаган. Туркистонда 1870 йилда рус истилочилари томонидан нашр этилган маҳаллий тилдаги илк босма газета “Туркистон вилоятининг газети” бўлди. “Туркестанские ведомости” газетасининг ўзбекча варианты бўлган мазкур нашр дастлаб шу газетага илова тариқасида чиқарилган. 1883 йилдан мустақил газета “Туркистон вилояти газети” бирмунча вақт (1872 йил июлидан 1873 йилнинг февралига қадар) Петербургда нашр этилган. 1885 йилдан газетанинг бир томони “Туркестанская туземная газета” номида рус тилида чиққан. Саҳифаларида чор Россиясининг Туркистондаги муштамлақачилик сиёсати тарғиб қилинган,

махаллий аҳолини “оқ подшо” ва унинг Туркистондаги амалдорлари амр-фармонларини сўзсиз бажаришга ундалган. Газетада расмий материаллардан ташқари, пахтачилик, ипакчилик ҳақида, фан, техника, адабиёт ва санъатга доир материаллар ҳам эълон қилинган. Газетада Сатторхон Абдуғаффоровнинг сиёсий публицистик мақолалари, Фурқат ва Муқимийнинг маърифатга ундовчи шеърлари ва ҳажвий асарлари босилган. Шунингдек, рус ёзувчилари И.А.Крилов, А.С. Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С. Тургенев, Л. Н.Толстой асарларидан илк таржималар босилган. Фаолияти 1917 йилда тўхтатилган.

Жадид публицистикаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу умуман ўзбек адабиёти учун батамом янги жанр бўлиб, унинг илк намуналари ўзбек матбуотида 1900 йилдан кейингина пайдо бўлган эди. Лекин бу соҳадаги тажрибаларнинг ғоят камбағаллигига қарамай, янги ўзбек публицистикаси 20-йилларнинг бошида ўз ривожининг энг юксак чўққиларига кўтарилди. Бу даврий публицистиканинг ўсиши, биринчи навбатда, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон номлари билан боғлиқ. Улар вақтли матбуотда ўнлаб мақолалар эълон қилдилар ва уларда бениҳоя ўткир эҳтирос билан, сўнмас бир жўшқинлик билан миллат ҳаётининг энг муҳим масалаларини кўтариб чиқдилар. Бу масала, албатта, биринчи навбатда миллий озодлик масаласи эди. Жадид публицистикасининг ривожини яна шу факт билан тасдиқлаш мумкинки, инқилобдан аввал унда кўтарилган масалалар фақат миллатнинг ички ҳаёти билангина чегараланиб қолганди, энди эса тематика кенгайди, мазмун чуқурлашади, муаллифлар дадиллик билан халқаро сиёсий ҳаёт ходисаларига мурожаат қила бошлайдилар. Бироқ бунда ҳам улар ўзларининг бош мақсадларини унутмайдилар — “улуғ” давлатларнинг шовинистик сиёсатларини фош қилиб, мустамлакачиликни кескин рад қилиш йўлидан борадилар. Бу жиҳатдан яна Фитрат фаолияти диққатга сазовор — у бу йилларда “Инглиз ўйинлари” (“Хуррият”, 1918 йил 64-сон), “Инглиз ва Туркистон” (“Хуррият”, 1918 йил 82-сон), “Афғонистон ишлари” (“Иштирокиюн, 1919 йил 30 апрель), “Афғон ва инглиз сулҳи” (“Иштиро-

киюн", 1919 йил 23 сентябрь), "Шарқ сиёсати" ("Иштирокиюн" 1919 йил 25—26 сентябрь) каби мақолаларини эълон қилдики, уларда империалистик кучларнинг мустамлакачилик сиёсатларини кескин фош қилди.

Хулоса. Танзимот ва хонликлар адабий муҳитидаги ўзгаришлар давр жихатидан ярим асрга яқин фарқ қилса-да, уларнинг шаклланиши бевосита алоқадор, деб айтиш мумкин. Агар сиёсат ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар Усмонли империясида янги адабий муҳитга йўл очган бўлса, Туркистон жадиidlари айнан Туркия ойдинларидан илҳомланиб, таъбир жоиз бўлса уларнинг ҳаракатларини дастуриламал қилиб иш тутганлар. Бу ҳолат адабий асарлардаги услуб, жанр, қолаверса тил хусусиятларида ҳам яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда иккала мамлакат тарихидаги мазкур адабий муҳитларни чуқур ўрганиш қардош халқлар адиблари ижодининг муштарак ва ўзига хос жихатларини очиб беришга, булар воситасида эса янги-янги қиёсий тадқиқотларнинг амалга оширилишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимбеков А. Танзимат даври турк адабиёти. Маърузалар матни. – Т.: ЎзМУ, 2002. – 48 б.
2. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 96 б.
3. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018. – 336 б.
4. Турон марши. С.Айний / Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил 1 октябрь сони.
5. Алькаева Л., Бабаев А. Турецкая литература. – М.: Наука, 1967. – 187 с.
6. Banarlı N.S. Resimli Türk Edebiyatı Tarihi. 2. cilt. – İ.: MEB Yayınları, 1971. – 550 s.

